

**“URGANCH EKSKAVATOR” aksiyadorlik jamiyati**  
**юқори бошқарув органининг 14 – сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2019 йил “30” апрель

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун, шунингдек жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши, ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Урганч экскаватор” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг 2019 йил “25” апрел даги 109-ЮР-сонли ишончномасига асосан “Урганч экскаватор” АЖ юқори бошқарув органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Отажонов Кахрамон Отажонович томонидан қабул қилинади.

**1. Жамият тафтишчисини тасдиқлаш тўғрисида.**

*1. Кун тартибидаги масала бўйича,* жамият кузатув кенгаши аъзоси Одилов Ф.Б. сўзга чиқиб, 2019 йил “29” Март даги 19 -сонли кузатув кенгаши мажлис баённомасига асосан, 2018 йил молия-хўжалик фаолиятининг биринчи чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойлик яқунларини жамиятнинг амалдаги тафтишчиси томонидан, аффилиланган шахслар ва йирик битимлар тузиш бўйича хулосалари кузатув кенгаши кун тартибига олиб чиқилмаганлиги боис, жамиятнинг янги тафтишчилигига номзод сифатида Джуманиязов Фарруз Алишеровични таклиф этилган. Ушбу масала жамият ягона акциядори томонидан атрофлича муҳокама қилингандан сўнг **қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг тафтишчиси этиб Джуманиязов Ф.А. тасдиқлансин ва бир ойлик муддат ичида 2018 йил молия-хўжалик фаолиятининг биринчи чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойлик яқунлари юзасидан аффилиланган шахслар ва йирик битимлар тузиш бўйича хулосалари кузатув кенгаши кун тартибига олиб чиқилсин.

**Жамият ягона акциядори**  
**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**  
**вакили**



**Отажонов К.О.**